# КОРЕЯ МЎЪЖИЗАСИ

Хитой халқида дарёлар 30 йил ғарбга, 30 йил эса шарққа қараб оқади, деган нақл бор. Бу жаҳон тараққиёт марказларининг ўзгариб туришига бир шоирона ишорадир. Аниқ ҳисоб-китобни хуш кўрадиган олимлар эса жаҳонда тараққиёт маркази ҳар 800 йилда ғарбдан шарққа, шарқдан эса ғарбга кўчади, деган фикр билдиришган. Келгуси асрда иқтисодий ва маънавий юксалиш ўчоғи шарққа кўчишини башорат қилаётган мутахассислар бу ўринда Осиёнинг Тинч океани минтақасида жойлашган Малайзия, Сингапур каби мамлакатларни тилга оладилар, Осиёдаги айрим халқларда аждаҳо куч-қудрат рамзи ҳисобланади. Шу сабабли бўлса керак, келажаги нурафшон бу мамлакатларни "Митти аждаҳолар" деб аташ ҳам расм бўлаётир.

Шу "Митти аждаҳоларнинг яна бири Жанубий Кореядир. Корея ярим оролида жойлашган бу мамлакатнинг ҳудуди 99,1 минг квадрат километрдан иборат. Аҳолиси эса 43 миллион нафардан зиёд. Жаҳон маданияти ўчоқларидан бўлган бу мамлакатнинг давлатчилик тарихи жуда қадимий ва бой. Эрамиздан аввалги 2333 йилда Корея ҳудудида илк бор Чосон давлати барпо бўлган. Шундан сўнг Корея халқи Силла, Когуре, Пэкче, Пархэ, Бирлашган Силла қироллиги, Коре, Чосон давлати, Тэхан империяси даврини бошдан кечирди, 1910—1945 йиллар Корея тарихида япон мустамлакачилари ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Иккинчи жаҳон уруши ниҳоясида корейс халқи япон мустамлакасидан халос бўлди. Бироқ, социалистик ва капиталистик тузум ўртасидаги зиддият оқибатида ягона халқ иккига бўлинди. Корея ярим оролида тузуми бир-бирига зид икки давлат яратилди. Корейс халқи ҳанузгача ана шу бўлиниш жабрини тортиб келаётир.

Корея Республикаси ташкил топган 1948 йилдан буён ҳукумат мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга, фуқаролар учун яхши турмуш шароитлари яратишга интилиб келади. Бироқ, табиий ресурсларнинг тахчиллиги, ички бозорнинг торлиги, иқтисодиётнинг издан чиққани, қолаверса, тажрибасизлик дастлабки кезларда бу эзгу ниятларни амалга оширишга тўсқинлик қилди. 60-йилларда мамлакат ислоҳот палласига кирди. Бу даврда Корея олдида икки йўл — ё ўз кучига ишониб, четдан товар олишни қисқартира бориш, ёхуд ташқи алоқаларга мўлжалланган сиёсатни афзал билиб, экспортни ривожлантириш, жаҳон иқтисодиётига босқичма-босқич қўшилиш муаммоси турар эди. Корея тараққиётнинг иккинчи йўлини маъқул кўрди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга асосланган сиёсат енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилишни кучайтиришга таянар эди. Бу ишни амалга оширишда бозор механизмларидан кенг фойдаланилди. Ҳукумат тижорат банкларига фоиз ставкаларини 26 фоизгача оширишга ижозат берди. Мамлакатда ҳукуматнинг бу йўлини қувватламаган кучлар ҳам анчагина эди. Улар иқтисодиётда чет эл сармояси ҳиссасининг ортиб кетиши миллий мустақилликни барбод қилишини таъкидладилар. Дарҳақиқат, ўша йиллари мамлакат иқтисодиётида хориж сармояси ҳиссаси 83 фоизни ташкил этар эди. Аммо, ҳукуматнинг пухта иқтисодий сиёсати ўзининг амалий самараларини тезда намоён эта бошлади. Ялпи миллий маҳсулот йилига 8, 7 фоиздан орта борди. 70-йилларда жаҳон иқтисодиётида юз берган маҳсулот танқислиги, нефт тақчиллиги, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг камайиб кетиши эндигина енгил нафас ола бошлаган Корея иқтисодиётини қаттиқ синовдан ўтказди.

Шундай мураккаб вазиятда ҳукуматнинг ислоҳотларни бошқариши муҳим аҳамият касб этди. 1985 йилга келиб, Кореянинг ташқи қарзи 46,8 миллиард доллар эди. Бу — жаҳондаги қарздор мамлакатлар рўйхатида тўртинчи ўрин деганидир. Пул қадрсизланишининг олдини олиш, товар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, экспортни ошира бориш натижасида Корея ташқи қарзларидан тезда қутила борди. 1989 йилга келиб эса қарзларини тўлаб бўлиш билан чекланиб қолмай, қарз берадиган мамлакатлар қаторидан ўрин олди. 1962 йилда ялпи миллий даромад 2,3 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 1992 йилга келиб бу кўрсаткич 295 миллиард доллардан иборат бўлди.

Жаҳонда Корея иқтисодий мўъжизаси ҳақида гапира бошладилар. Аммо, 90-йиллар бошларида мамлакат иқтисодиётида бироз турғунлик зоҳир бўла бошлади. 1993 йилнинг 15 февралида мамлакатга Ким Ен Сам Президент этиб сайланди. У Корея тарихининг кейинги 33 йили ичида ҳарбий бўлмаган биринчи фуқаро Президент эди. Янги Президент маъмурияти иқтисодиётни янада жонлантириш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ким Ен Сам иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш эндиликда тараққиётга хизмат қилмаётганини инобатга олиб, ишбилармонликка кенгроқ эркинлик бериш лозимлигини таъкидлади. Президент ўзининг "Янги иқтисодиёт" дастурини илгари сурдиким, бу "янги Корея"ни барпо этиш режасининг таркибий қисмидир. Ислоҳотнинг дастлабки тадбирлари "юз кунлик режа"да мужассам бўлди. У иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг биринчи галдаги вазифаларини амалга оширишни кўзда тутар эди. Кейинроқ янги иқтисодиётни тараққий эттириш, бюджет, банк, маъмурий ва бошқа соҳаларни ислоҳ қилишга қаратилган беш йиллик режа ишлаб чиқилди.

Жанубий Корея бугунга келиб, юксак даражада тараққий этган саноат давлати сифатида танилди. Республика кемасозлик соҳасида дунёда етакчи ўринга чиқиб олди. Мамлакатда автомобилсозлик, радиоэлектроника, кимё, нефтни қайта ишлаш саноати жадал ривожланмоқда. Корея енгил саноат маҳсулотлари жаҳон бозорида рақобатбардошлиги билан танилди. Республика ҳудудининг чорак қисмида деҳқончилик қилиниб, пахта, шоли, арпа, буғдой, сабзавот ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олинмоқда.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, жаҳоннинг барча мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш йўлини танлади, Корея билан ҳамкорлик ўзаро фойдали бўлиши шубҳасиз эди. Шу сабабли икки мамлакат ўртасида яхши муносабатлар шаклланди. Корея Республикаси Осиё-Тинч океани мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. 1992 йилнинг 29 январида Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилгани хусусида ҳужжат имзоланди. Ўша йилнинг июнь ойида Президентимиз Ислом Каримов Жанубий Кореяга расмий ташриф буюрди. Ушбу ташриф чоғида фан, техника, савдо, маданият, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик хусусида ҳамда сармояларни ҳимоялаш борасида бешта ўзаро ҳужжат имзоланди.

Жанубий Корея ишбилармонлари Ўзбекистоннинг имкониятларини биринчилардан бўлиб англаб етдилар ва иқтисодиётимизга сармоя киритишга ошиқдилар. Айни пайтда мамлакатимизда 15 дан зиёд Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар енгил саноат, машинасозлик, электроника соҳаларини ривожлантиришда самарали ишлар қилмоқдалар.

Жанубий кореялик ишбилармонлар ўзбекистонлик ҳамкорлари билан ўзаро алоқаларни янада кенгайтиришга интиляпти. Ана шу мақсадда республикамизга Жанубий Кореянинг бир қанча делегациялари ташриф буюрди. 1993 йилнинг июнь ва ноябрь ойларида ташриф буюрган Корея парламенти делегацияси ҳамда мамлакатдаги 170 қудратли корхона ва фирмаларни бирлаштирган "Жанубий Корея—МДҲ" иқтисодий ассоциацияси делегацияси шулар жумласидандир. Чонг Ван Чой раҳбарлигидаги "Жанубий Корея—МДҲ" иқтисодий ассоциацияси делегацияси ташрифи кунлари Ўзбекистон вазирликлари ва муассасалари вакиллари иштирокида қўшма семинар уюштирилди. Унда ҳамкорликни кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Икки мамлакат халқлари ўртасида маданий алоқалар ҳам кўнгилдагидек ривожланяпти. Жанубий Кореянинг "С-ЭС-ТИ" фирмаси таклифига биноан "Ялла" вокал-чолғу ансамбли Кореяда ўзбек санъатини намойиш қилиб қайтганига кўп вақт бўлгани йўқ. Республикамизда яшаётган 200 минг нафардан зиёд корейс миллатига мансуб фуқароларимиз манфаатларини ҳимоя қилувчи корейс маданий марказлари ассоциацияси бу борада катта ишларни амалга оширмоқда. Ушбу ассоциация Корея Республикасининг турли компаниялари, фирмалари, жамоат ташкилотлари билан иқтисодий, маданий, илмий алоқалар ўрнатган. Маълумки, ўзаро муносабатларнинг мустаҳкамланишида бошқа халқ маданияти, фани ва анъаналарини билиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли 1993 йилнинг 28 май куни Тошкентда Корея Республикаси маориф маркази очилди. Айни пайтда бу марказ ибратли ишларни амалга ошираётир. Ўтган йили давлат санъат музейида Корея зали очилдики, бу ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Унда Корея мусаввирларининг 300 дан зиёд асарлари намойиш этилди.

Икки мамлакат олий ўқув юртлари ўртасида яқин муносабатлар шаклланаётир. Тошкент шарқшунослик институтида дастлаб Корея Республикасини ўрганувчи гуруҳ ташкил этилган эди. Кейинчалик институтда кореяшунослик факультети барпо қилинди. Бу олий билимгоҳ Сеулдаги ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Алоқаларимиз ҳукуматлар даражасидагина эмас, корхоналар, жамоат ташкилотлари ўртасида ҳам ривожланмоқдаки, бу дўстлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Тиббиёт соҳасида муаммоларни ечишда кўмаклашиш учун келган сеуллик олти шифокор "Миконд" заводида бир ҳафта давомида ишчиларга бепул тиббий ёрдам кўрсатди. Шу йил бошида эса ўзбек шифокорлари Корея ҳукуматидан 100 минг долларлик тиббий ускуналар олдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар манфаатли асосда ривожланиб бораётир. Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг мамлакатимизга ташрифи бу ҳамкорлик алоқаларини янги поғонага кўтаради, деб ўйлаймиз.

**Амирқул КАРИМ (ЎзА)**

## ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК "ЭКОСАН" ЖАМҒАРМАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИГА

# МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз юртдошлар!

Турон кенгликларида шарқона гўзалликка эга бўлиб, яшнаб келаётган Ўзбекистон бугунги кунларда катта ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган юртимиз ободончилик, бунёдкорлик борасида ажойиб анъаналарга эга. Қуръону ҳадисларда қонун даражасида белгиланиб, кексаларимиздан бизга мерос бўлиб қолаётган тозалик, ободончиликка интилиш каби фазилатларни янада камол топтиришимиз лозим.

Ўзбекистон ҳукумати ва раҳбарияти томонидан халқимизнинг сиҳат-саломатлигини яхшилаш, атроф-муҳитнинг софлигини сақлаб қолиш, экологик муа моларни ҳал қилиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Аммо ўн йиллар давомида олиб борилган бир томонлама технократик сиёсат туфайли минтақамизда бирмунча мураккаб ижтимоий ва экологик муаммолар юзага келганлигини эътироф этиш керак.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб жаҳон аҳли эътиборини минтақамиздаги экологик муаммоларга қаратган республикамиз Президенти Ислом Каримов Олий Кенгашнинг кейинги сессиясида ҳам ободончилик борасида қилинадиган ишлар нақадар муҳимлигини яна бир карра таъкидлаб ўтганлиги бежиз эмас. Зеро, халқнинг соғлиги, миллатнинг келажаги юртнинг ободлигидан, сувнинг тозалигию ҳавонинг мусаффолигидан, она заминнинг қандай эъзозланишидан бошланади, десак хато бўлмайди.

Шу сабабли сизу бизни ўраб турган бутун борлиқни эъзозлаш, авайлаб-асраш, унинг табиийлигини сақлаб қолиш, айниқса тупроқ сифатини биологик усуллар билан яхшилаш, Орол денгизи ва Оролбўйи минтақасидаги экологик ҳалокатни имкон қадар тўхтатиш, саноат ва рўзғор чиқиндиларини зарарсизлантириш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳар биримизни наслимиз тақдири учун безовталикка чорловчи масалалардир. Шундай замонда ҳамма муаммони ҳал қилишни биргина ҳукумат зиммасига юклаб қўйиб, бошқаларнинг хотиржам юриши инсофга ҳам, ахлоққа ҳам тўғри келмайди. Бундай улуғ, қийин ва шарафли масъулиятдан ҳеч қачон четда турмаган "Экосан" жамғармаси элимизга камарбаста, дармон бўлиш мақсадида "Тоза сув", "Тоза ҳаво" ва "Экология ва саломатлик" дастурларини ишлаб чиқиб амалга оширмоқда.

Азиз ватандошлар!

5 июнда курраи заминимизда халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни нишонланади. Биз бу кунни шу йилнинг 1 июнидан бошланиб, 10 июнигача давом этадиган "Экология ва саломатлик ўн кунлиги" билан нишонлашни таклиф қиламиз. Ўн кун давомида ҳудудлар, кўчалар, истироҳат боғларини ободонлаштириш, ариқ-зовурларни тозалаш мақсадида ҳашарлар ўтказиш айрим фуқаролар ҳашар кунлари жамғарма ҳисобига бир кунлик иш ҳақларини ўтказиш истагини билдирдилар. Тушган бу маблағ экологик танг аҳволдаги ҳудудлар аҳолисини тоза сув билан таъминлаш дастурларини бажаришга, канализация ишларига, аҳолини дори-дармон билан таъминлаш ва унга тиббий хизмат кўрсатиш, жойларда экологик муаммоларни ҳал қилишга сарфланади. Бундай истакка қўшилишни ният қилган эл-юрт тақдирига бефарқ қарамовчи барча ватандошларимизга олдиндан миннатдорлик билдирамиз.

Бу ишда жамғарма бўлинмалари ва бошланғич ташкилотларнинг маҳалла қўмиталари билан биргаликдаги куч-ғайратлари ва ҳаракатларига катта умид қиламиз. Ҳар бир ҳовлида, кўчада, маҳалла, туман ёки шаҳарда аниқ иш кўлами белгилаб олиниши лозим. Умуман уйимизни, остонамизни, кўчамизни озода, саранжом-саришта тутишга интилайлик. Тозалик бор жойда соғлиқ ва саломатлик, унумдорлик ва барака, яхши кайфият бўлишини унутмайлик.

Ўқув юртларида, маданият ва санъат саройларида, телевидениеда, радиода "Инсон ва унинг атрофидаги табиий муҳит", "Рассом ва табиат", "Экология ва саломатлик" ва бошқа мавзуларда расмлар, суратли материаллар, эшиттиришлар, кўргазмалар, спектакллар ва фильмлар намойиш қилишни ташкил этиш айни муддаодир.

Биз ўзимизнинг узоқ ўтмишимиздаги ибратли анъаналаримизни, урф-одатларимизни, ота-боболаримизнинг доно панд-насиҳатларини эслашимиз ва уларни ҳурмат қилиб, кундалик ҳаётимизда қўллашимиз лозим.

Ҳақиқий инсон ҳеч қачон яшаб турган жойига, атроф-муҳитга, табиатга ва жонзотларга озор бермайди, она-заминни муқаддас билиб, уни эъзозлаб, ҳар бир қаричидан оқилона ва унумли фойдаланади.

"Экология ва саломатлик ўн кунлиги" ёш мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида қилинаётган ҳайрли ишлардан бири бўлади деб умид қиламиз.

## НАВБАТ — ИСТАНБУЛГА

Шу кунларда Туркиянинг Истанбул шаҳрида навбатдаги "Оврупо-Осиё саноат ярмаркаси-95" анъанавий халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Бундай кўргазма илк бор 1987 йили Истанбул спорт мажмуида ўтказилган эди. Бу йилги кўргазмада 24 мамлакатдан 500 дан зиёд фирмалар қатнашмоқдалар. "Дойче-Месса-АГ"кўргазмалар жамиятидан ажралиб чиққан "Ганновер Мессе Интернационал Гмбх" кўргазмалар шўъбаси ушбу тадбир ташкилотчисидир.

Бу йирик кўргазманинг очилиш маросими 1 июнь куни Истанбул меҳмонхонасининг Мираган саройида бўлиб ўтди. Унинг Ўзбекистон бўлимида республикамиз аҳолиси, йирик шаҳарлари, фойдали қазилмалари, транспорт йўллари, саноат ва қишлоқ хўжалиги иншоотлари яққол тасвирланган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг машинасозлик, қора металлургия, йўлсозлик техникаси, электроника, электротехника, кимё, пластмасса, атроф муҳитни ҳимоя қилиш каби соҳаларига ҳам кенг ўрин берилган. ИЛ-76, ИЛ-114 каби тайёраларнинг макетлари Тошкент тайёралар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тайёралари ҳақида маълумот берса, Тошкент трактор заводи, "Компрессор" заводлари "Ўзбектранс" ассоциацияси проспектлари шу корхоналарнинг фаолиятларини ёритиб беради.

Ўзбекистондаги қўшма корхоналарнинг энг йириги ва биринчиси ҳисоблангани "Совпластитал" Ўзбек — Италия қўшма корхонаси ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. "Водгео" илмий текшириш институти "Фотон" ишлаб чиқариш бирлашмаси, кимё технология илмий текшириш институтлари фаолиятлари ҳақидаги маълумотлар кўргазма қатнашчиларига ҳавола қилинади. Ўйлаймизки, ушбу кўргазма ҳам Ганновер кўргазмаси сингари Ўзбекистон халқ хўжалигининг ривожига муносиб ҳисса қўшади.

**МАҲМУДА ИСМОИЛОВА, "Ўзэкспомарказ" ходими.**

# ИБРАТЛИ МАҲАЛЛАЛАР КЎПАЙСИН

ХАЛҚИМИЗНИНГ эзгу анъаналарини тиклаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёшларни одобли-ахлоқли, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, муҳтож кишиларга моддий ва маънавий ёрдам беришга тайёр бўлиш сингари қадриятларни қарор топтиришда маҳаллаларнинг ҳиссаси каттадир. Шу нуқтаи назардан сўнгги йилларда маҳаллаларнинг фаолиятини ошириш борасида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар бутун мамлакатимизда, жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам яхши самаралар бераётир.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида" чиқарган қарорини бажариш бўйича анча-мунча ишлар қилинган бўлишига қарамасдан, айрим маҳаллаларда олиб борилаётган ҳаракатлар суст, кўлами кенг эмас.

Яккасарой туманида эса аҳвол бутунлай бошқача. Бу тумандаги ижобий ишлар шундан иборатки, маҳаллаларнинг ободончилигини ошириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш бўйича анча-мунча тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда. Чунончи, туманда "Наврўз" ва Ғалаба байрамлари, Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайити муносабати билан муҳтож оилаларга хайр-эҳсон қилиш, кекса отахонлар-онахонларни совғалар билан йўқлаш, мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилларини кўнгилдагидек ўтказиш чораларини кўриш ва бунинг учун маблағ ўтказиш, қадимий халқ анъаналарини тиклаш, маҳаллалар аҳолисининг маънавиятини ошириш ва яхши дам олишини уюштириш бўйича маълум бир тизим ишлаб чиқилган...

Ўзбекистон Республикаси "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раёсатининг яқинда шаҳар ҳокимиятининг кичик мажлислар залида бўлиб ўтган навбатдаги кенгайтирилган мажлисида пойтахтимиздаги ҳар иккала тумандаги маҳаллалар фаолиятининг аҳволи муҳокама қилинди. Унда "Маҳалла" жамғармаси Акмал Икромов ва Яккасарой туманлари бўлимларининг раислари Баҳодир Алимов ва Вафо Латиповларнинг ҳисоботлари тингланди.

Раёсат мажлисида Яккасарой тумани ҳокими муовини Ҳикматулла Охунжонов, "Яккасарой-1" маҳалла оқсоқоли Ориф ҳожи Алимахсумов, "Маҳалла" жамғармаси Ҳамза тумани бўлинмаси раиси Неъмат Ҳасанов, Мирзо Улуғбек тумани бўлинмаси раиси Сайфулла ҳожи Оқмирзаев, Юнусобод тумани бўлинмаси раиси Кабир ота Комилов, "Алгоритм" заводи бош директори Мирилёс Азимов, республика халқ таълими вазирининг муовини, шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Муборак Юнусхўжаева ва бошқалар ҳар иккала тумандаги маҳаллаларнинг фаолияти ва у билан боғлиқ масалалар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

"Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раёсатининг навбатдаги июнь ойининг охирида бўлиб ўтадиган йиғилишида кўриладиган масалалар ҳам белгилаб олинди.

**О. ҲУСАНОВ, "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бошқаруви мафкура бўлимининг мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# Қизларга жуда қўл келади

Бугунги кунда республикамизда жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожлантиришда таълим устивор соҳа ҳисобланиб, фидойи мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Зеро, келажагимиз тақдири — ёшларнинг қўлида.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 54-кечки мактабнинг "Кўптармоқли миллий лицей мактаби"га айлантирилганига бир йилдан ошди. Лицей ҳунар-техника билим юртлари услубида таркиб топган бўлиб, ўқувчиларга ҳунар-таълим беради. Бу ерда асосан болалар боғчаси тарбиячиси, кичик тиббиёт ҳамшираси, тикувчи, ҳисобчи-бухгалтерлар тайёрловчи гуруҳлар мавжуд.

Лицейни моддий томондан ҳеч қандай ташкилот оталиққа олмаган бўлса-да, туман халқ таълими бўлими кўпгина ишларни амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, уч йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган тикувчилик цехининг ташкил этилишида уларнинг меҳнати катта самара бермоқда. Бу ерда тўқимачилик комбинати билан келишилган шартнома асосида боғча тарбияланувчилари учун чойшаб ва ёстиқ жилдлари тикилади. Албатта, бу ишларни талабаларнинг ўзлари бажаришади.

Лицейга асосан ўрта мактабларнинг тўққизинчи ва ўн биринчи синфларини битирган ўқувчилар имтиҳон асосида қабул қилинадилар. Мактабни имтиёзли гувоҳнома билан битирган ўқувчиларга эса лицейга имтиҳонсиз кириш ҳуқуқи берилган. Дарслар асосан тушликдан сўнг бошланиши сабабли талабаларнинг куниинг биринчи ярмида меҳнат фаолияти билан шуғулланишларига имконият яратилган.

— Лицейимиз миллий бўлганлиги сабабли, асосан ўзбек қизларимиз ўқишга кирадилар, — дейди лицей директори Кимёхон опа Самиғова биз билан суҳбатда. — Менимча, уларга оила қурганларидан сўнг ҳам бу мутахассисликларни эгаллаганликлари жуда қўл келади. Шу ҳудуддаги маҳалла аҳли ҳам лицей ташкил этганимиздан жуда хурсанд. Яқинда талабаларимиз 27-халқ мактаби ўқувчилари билан ўзаро мусобақалашдилар. Бу мусобақа ўқувчиларда тажрибаларини янада орттиришга имкон яратди. Бир қатор фаол ўқувчиларимиз "Ўқитувчи-94" танловига тавсия этилди. Келгуси йил Наманагандан шартнома асосида атлас тўқийдиган ускуналар олиб келиб, атлас тўқиш цехи очиш режасини мўлжаллаб қўйдик. Туман халқ таълими бўлими билан биргаликда 2-3 та тарбиячилик гуруҳи очиш ниятимиз ҳам бор. Ўқув-тарбия ишида ўқитувчиларимиздан Ильмира Расулова, Муҳаббат Қодирова, Раъно Маҳаматовалар фаоллик кўрсатишмоқда. Талабаларимиздан Умида Убайдуллаева, Мавжуда Солиҳова, Гулчеҳра Жалоловалар ўқиш ва жамоат ишларида бошқаларга ўрнак бўлишаётир.

Бу йил биринчи марта лицейда битириш кечаси ўтказилади. Ўн биринчи синф маълумоти билан ўқишга кириб, уни тугаллаётган ўқувчиларга лицейнинг илк дипломлари топширилади. Бу кун уларнинг ҳаётида унутилмас бўлиб қолади.

**Шаҳло ОБИДОВА.**

# АҲВОЛ ҚАНЧАЛИК ОҒИР БЎЛМАСИН...

Ўзбекистон телевидениеси, "Тошкент ҳақиқати" газетаси, вилоят касаба уюшмалари кенгаши ходимлари ҳамкорликда вилоятдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг мавсумга тайёргарлигини ўргандилар.

ЎЛКАМИЗДА ёз нафаси сезилиб, болаларнинг ёзги таътил кунлари бошланмоқда. Хўш, бу йилги шароитда фарзандларимиз ёзги таътилни қандай ўтказадилар? Соғломлаштириш оромгоҳларида бугунги аҳвол қандай?

Яқинда Тошкент вилояти ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши ташаббуси билан тегишли ташкилотлар иштирокида болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини жадаллик билан тайёрлаш ва болаларни қабул қилишга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Мутахассислар қатор таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар, тегишли вилоят бошқармалари ва ташкилотлари зиммасига масъулиятли вазифалар юкланди.

Бу йил вилоят касаба уюшмалари кенгашининг саъй-ҳаракати билан 30 га яқин стационар соғломлаштириш оромгоҳини очиш кўзда тутилмоқдаки, уларда 20 мингга яқин ўғил-қиз хордиқ чиқаради ва соғломлаштирилади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини мавсумга зудлик билан тайёрлаш хўжаликлар учун анча қийин бўлмоқда. Биринчидан, таъмирлаш учун қурилиш, пардозлаш материалларини топиш қийин бўлса, иккинчидан оромгоҳларнинг барчаси ҳам гигиеник қопламали столлар, тумбочкалар, идиш-товоқлар, телевизорлар ва бошқа жиҳозлар ва лозим ускуналар билан тўла таъминланмаганлигидир. Албатта бу масалаларни ҳал этишда биринчи масала маблағ топиш бўлса, иккинчиси қаердан уларни сотиб олишдир. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши буларни ҳисобга олиб ижтимоий суғурта ҳисобидан салкам 4 миллиард сўм ажратди. Бу маблағ ҳам эҳтиёжни тўла қондирмайди. Вилоят касаба уюшмалари талабни ҳисобга олганда, турли ташкилотларга маблағ ажратиш, шунингдек лозим жиҳоз ва ускуналар билан таъминлашда ёрдам беришлари учун илтимосномалар билан чиқмоқда. Бу ишда Тошкент вилояти ҳокимлиги катта ёрдам бераяпти.

Бу йил кўчки ва табиий қийинчиликлар туфайли дам олувчиларни манзилларига бехатар етказиш ва олиб кетиш масаласи ҳам катта сафарбарликни талаб этади. Вилоят Давлат автомобил нозирлиги бу борада катта куч-ғайрат сарфламоқда ва дам олувчиларни кузатиб олиб бориш ва олиб келиш харажатларини ўз ҳисобларидан сарфлашларини билдирдилар.

Тиббиет ходимлари ҳам кўп хизматларни бепул бажаришга азму-қарор қилдилар. Транспорт хизмати вакиллари ҳам харажатнинг бор-йўғи 30 фоизигагина ҳақ оладиган бўлиб, катта имтиёз яратиб бердилар. Телефон хизмати ҳам имтиёзли бўладиган бўлди. 50 фоиз ҳақига пул тўланади. Бу савобли ишлар туфайли йўлланмаларнинг нархи бироз пасаяди. Кўпгина хўжаликлар, касаба уюшмалари йўлланмаларни арзон қилиш учун катта-катта маблағлар ажратмоқдалар. Хўжаликлар, касаба уюшмалари ҳиссаси туфайли бир неча юз минг сўм турадиган йўлланмалар учун ота-оналар бор-йўғи ўртача 13 минг сўм атрофида тўлайдилар. Булар ҳаммаси ўғил-қизларимиз ҳақида ғамхўрликка қўшилган ҳиссалардир.

Ҳукуматимиз ҳам ёш авлодни жисмоний ва маънавий камолотга етказиш тўғрисида қайғурмоқда. "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши бу борада катта ташкилий, оммавий ишларнинг қилиниши фикримизнинг исботидир. Болаларни соғломлаштириш ёзги оромгоҳлари ишини мазмунли ташкил этиш ҳам шу забардаст ишнинг бир бўлагидир.

Биз болалар оромгоҳларида қандай тайёргарлик ишлари олиб борилаётганини амалда кўриш мақсадида бир неча хордиқ жойларида бўлдик. Чирчиқ қурилиш конструкциялари материаллари комбинатига қарашли "Баланд тоғлар" болаларни соғломлаштириш оромгоҳи Бўстонлиқдаги сўлим табиат қўйнига жойлашган. Тоғлар оралиғига жойлашган бу маскан қурилиш ансамбли ва чор-атроф табиати шунчалар гўзалки биз орзу қилган Кавказ дам олиш муассасаларидан қолишадиган жойи йўқ. Асосан ёнғоқзорлар, мевали дарахтзорлар қўйнига жойлашган ёшлар хордиқ макони ниҳоятда антиқа. Албатта унинг бунчалик мафтункорлигига биринчи сабаб сўлим табиат гўзаллиги бўлса, иккинчидан шу ерга мослаб бинолар ансамблининг тушганлиги. Оромгоҳ лойиҳаси корхона ижодкорлари томонидан яратилган. Қурилиш ишларида ҳам жамоа фаол қатнашган. Шунинг учунми қурилишлар сифатли бажарилиб, умуман оромгоҳ жуда серфайз.

Ошхона уч тарафи ойнаворли бўлиб, кошинкор пардоз плиткалари билан янада гўзал кўринади. Бинонинг олдида катта фаввора. Бу ердан қуюқ дарахтзорли жарликлар борлиғи билан кўз олдингизда ястаниб ётади. Ундан тўғри бир томони гулсавсарлар очилиб ётган, бир томони гиламнусха полли гуллар ўртасидан ўтиб борсангиз, чап томондан чиройли суҳбатхоналарга дуч келасиз. Йўлда яна давом этсангиз каттагина ўйин майдончаси эътиборингизни тортади. Шаҳардаги истироҳат боғларидаги каби турли оромгоҳлар, турли ўйин жиҳозларидан иборат ўйин майдончаси болаларнинг энг севимли жойига айланган.

Бу ердан айлана зина билан пастга юрсангиз катта ва кичик манзарали чўмилиш ҳовузи ва спорт майдончасига тушасиз. Агар зиналардан юқори кўтарилсангиз тўгараклар хонаси, ётоқхоналарга дуч келасиз. Уидан юқори эса бир неча гектарлик мевали боғ.

Оромгоҳни айланар эканмиз мавсумни очишга тайёргарлик қизғин бораётганининг, болаларни қабул қилишга деярлик тайёр бўлинаётганининг гувоҳи бўлдик.

— Ўғил-қизларнинг намунали хордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида, — дейди оромгоҳ бошлиғи Умида Холмирзаева, — катта тайёргарлик ишларини бошлаб юборганмиз. Мавсум давомида турли мавзуларга бағишланган ҳафталиклар ўтказамиз. Ўзбекистон табиати Ўзбекистон шаҳарлари, атрофида ўсадиган доривор ўсимликлар, ёки рассомлар конкурси ва бошқалар шулар жумласидандир. Ундан ташқари зеҳнлилар ва топқирлар клуби, маҳаллий кексалар билан учрашув, спартакиадалар ўтказиш ҳам мўлжалланган.

Хуллас, оромгоҳ ўзининг ёш дам олувчиларини қабул қилишга деярлик тайёр.

Навбатда Сойлиқ қишлоғида жойлашган Островский номли болалар оромгоҳида бўлдик. Бу ерда ҳам ёзги мавсумни очишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Мазкур болалар дам олиш маскани 160-қурилиш трестига қарашли бўлиб 320 ўринлидир. Футбол, волейбол, баскетбол майдончалари спорт ихлосмандларини кутмоқда. Чўмилиш ҳовузи таъмирланиб, бўяб сув қуйишга тайёр қилиб қўйилган. 8 та ётоқ биноси таъмирлаб бўлинди.

— Оромгоҳ бир неча кун ичида болаларни қабул қилишга тайёр бўлади, — дейди 160-қурилиш тресги касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Мирсаид Мақсудов, — бизда ёзги душхоналардан ташқари мўъжаз ҳаммомимиз бор. Ҳаммасида охирги таъмирлаш ишлари бормоқда.

Мазкур оромгоҳ санаторий типида бўлиб бой электр — нур даволаш ускунларига эга. Ҳатто ўсимлик шарбати билан даволаш бўлинмасигача бор. Ўтган йил чет эллардан келган мутахассислар ҳам уларнинг даволаш услубларига юқори баҳо бердилар.

Мазкур оромгоҳда ва вилоятдаги яна бир қатор оромгоҳларда Қорақалпоғистон ва Хоразмдан келган ўғил-қизларни соғломлаштириш кўзда тутилган.

Вилоятдаги Ангрен кулолчилик комбинатига қарашли "Юбилей" Бекобод цемент комбинатининг "Ёш цементчи", Тошкент таъмирлаш-қурилиш трестининг "Бахт" шунингдек, "Бойчечак", "Сумча", Тоиров номли, "Гидроқурувчи" каби оромгоҳларда ҳам мавсумга тайёргарлик ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўтган йили оромгоҳларни дори-дармонлар, озиқ-овқатлар билан таъминлашда айрим камчиликларга йўл қўйилди. "Фармация" ишлаб чиқариш бирлашмаси, савдо контракт савдоси ва бошқа вилоят ташкилотлари ўтган йилги камчиликлардан хулоса чиқариб уларни бартараф этиш йўлида қатъий иш олиб боришлари зарур.

Вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши бу йилги қийин об-ҳаво шароити ва айрим оромгоҳларнинг очилмаслигини ҳисобга олиб мактаб ҳузуридаги болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини фаол ишга туширишга жуда катта аҳамият бермоқда. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши 30 минг ўғил-қизнинг бундай оромгоҳларда дам олиши ва соғломлаштирилиши учун маблағ ажратди.

Бу йил болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари ишини янада яхши ташкил этиш мақсадида Тошкент вилояти ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши раёсати қўшма қарор қабул қилди. Унда 1994 йилда болалар ва ўсмирларнинг дам олишини ташкил қилиш юзасидан услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, мактаблар ҳузуридаги масканларда барча шарт-шароитларни яратиб бериш, вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси, "Вилоятсавдо" ва "Вилояттаом" концернларининг болалар масканларига зарур бўлган озиқ-овқат заҳирасини белгиланган миқдорда олдиндан ғамлаб қўйиш, ҳар бир соғломлаштириш масканини ҳудудий даволаш профилактика муассасаси ҳамда тез ёрдам хизматига бириктирилиш, вилоят ички ишлар бошқармасига болаларнинг соғломлаштириш масканларида жамоа тартибини сақлаш юзасидан қатъий чоралар кўриш, болаларнинг соғломлаштириш масканларига бериладиган йўлланмаларнинг 50 фоизини бепул бериш, қолган қисмига ота-оналар йўлланма қийматининг 10 фоизинигина тўлашлари қайд этилади.

Умуман, айтиш мумкинки, болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини қийинчиликларга қарамай, мавсумга тайёрлаш қизғин бормоқда. Ота-оналар ҳеч ҳавотирланмай, фарзандларини оромгоҳларга кўнгиллари тўлиб жўнатишлари мумкин.

**Будир ПЎЛАТОВ, Вилоят касаба уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудири, "Тошкент ҳақиқати"нинг жамоатчи мухбири.**

**Назмиддин НАЖМИДДИНОВ, Ўзбекистон телевидениесининг катта мухбири.**

*• Ишбилармонлар ҳузурида: саноат — қишлоққа*

# ХАЛҚ МАНФААТИ — ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

## *Янгийўл узумчилик-виночилик деҳқончилик фирмасида амалга оширилаётган хайрли ишлар*

БОЗОР муносабатлари ҳар бир жамоа, уердаги катта-кичик раҳбарлар, ишчи-хизматчилар олдига сон-саноқсиз муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Албатта, бу муаммоларни ҳал этишдек мураккаб жараёнда энг аввало халқ манфаатлари кўзда тутилади. Эртани ўйлаб, тадбиркорлик, ҳисоб-китоб билан иш юритиш тақозо этилади. Янгийўл вино-коньяк заводи ҳам бундан мустасно эмасдир. Гап шундаки, бир вақтлари заводга вилоятимиздангина эмас, республикамизнинг турли худудларидан ҳам хом ашё келиб турар эди. Бозор шароитига ўтилгач, аҳвол ўзгариб қолди. Ҳар ким ўзи етиштирадиган хом ашёсини ўзи қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириб сотиш пайидан бўла бошлади. Бу табиий ҳол эди, албатта. Шу туфайли ҳам заводга келиб турадиган хом ашёларнинг кети узилиб, товсилиб қола бошлади. Муаммо пайдо бўлди. Заводни тўла қувват билан ишлашини таъминлаш учун зарур миқдордаги ва сифатли хом ашёни топиш керак! Бунинг учун нима қилиш зарур? Шунда бир фикр келди. Собиқ "Халқобод" комбинати таркибида бўлган ва кейинчалик тарқалиб кетиб, мустақил хўжалик сифатида фаолият кўрсата бошлаган, бироқ, кейинги пайтларда иқтисодий заифлашиб қолган узумчилик-боғдорчилик хўжаликларини завод ўз ихтиёрига олса, қўшиб, бирлаштириб юборилса қандай бўларкин? Завод иқтисодий бақувват, ўша хўжаликлар қўшиб олингач, уердаги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни ҳам корхона ўз зиммасига олиши мумкин. Боғ ва узумзорларни янгилаш, кенгайтириш, сершира, серҳосил навларни экиш, кўкартириш, энг муҳими ҳосилдорликни ошириш учун янги имкониятлар очилади. Ана шунда завод узоғи билан уч-тўрт йилда ўзини ўзи хом-ашё билан тўла таъминлай олади, четдан олиб келишга эҳтиёж қолмайди. Бу таклифни мутасаддилар қўллаб-қувватладилар. Шундай қилиб, 1992 йил февралида Навоий номли хўжалик, кейинроқ эса "Янгиобод" хўжалиги, 1994 йил апрель ойидан бошлаб эса "Янгийўл" хўжалиги ҳам қўшиб олинди. Уч хўжаликнинг умумий ер майдони 3853 гектар бўлиб, шундан 2347 гектари фойдаланиладиган ерлар ҳисобланади. Жумладан, 811 гектарини боғлар, 658 гектарини узумзорлар ташкил этади.

Ана шу тарзда "Янгийўл" узумчилик-виночилик деҳқончилик фирмаси юзага келди. Энди маъмуриятнинг иш кўлами, вазифасининг моҳияти бутунлай ўзгарди. Корхона ўз йўлига тушиб олган. Шунинг учун ҳам агрофирма директори Жўра ака Маърупов кўпроқ далада, деҳқонлар орасида бўлишни, дала ишларини завод ишлари билан мослаштириб олиб боришни мақсад қилиб қўйди. Қолаверса, деҳқонлар орасида бўлиш, уларнинг дарди-ҳасратини эшитиш, эҳтиёжларини, истак-талабларини ўрганиш, ёрдам керак бўлганда зудлик билан уюштириш муҳим вазифадир.

Аслини олганда ҳар уч хўжаликда ҳам муаммолар йиғилиб қолган эди. Катта маблағ ажратилди. Масалаларни ҳал қилишга киришилди. Энг аввало қишлоқларни ичимлик сув билан таъминлаш ва газлаштиришга эътибор берила бошланди. Деҳқончилик маданиятини юксалтириш ҳам эътиборда бўлди. Ер текислаш ва бошқа деҳқончилик, боғдорчилик ишлари учун зарур техникалар: бульдозерлар, тракторлар, экскаваторлар сотиб олиниб, хўжаликларга берилди. Деҳқонларда бошланган ҳайрли ишга катта умид, ишонч пайдо бўлди.

Хўжаликлар заводга қўшилмасдан олдин деҳқон, боғбонларнинг ойлик маоши айтишга арзимасди. Уни ҳам ёлчитиб ололмасдилар. Бу масала ҳам кўп ўтмай ҳал этилди. Эндиликда деҳқонлар ҳам деярли завод ишчилари билан тенг миқдорда маош ола бошладилар. Президентимизнинг Фармонига мувофиқ ўтган уч йил давомида ойлик маош ҳам, овқат пули ҳам бир неча баробар ошди. Шундай қилиб, ҳозирги пайтда деҳқонларнинг ўртача ойлиги 150 минг сўмга тўғри келмоқда. Овқат пуллари, мукофот пуллари, режадан ортиқча олинадиган ҳосилга тўланадиган қўшимча ҳақлар, йил охирида пировард натижага қараб бериладиган қўшимча ҳақлар, мукофотлар бу ҳисобга кирмайди.

Меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усули асос қилиб олинди. Ҳар бир пудратчи боғбон, соҳибкор билан беш-ўн йил муддатга шартнома тузилди. Шартнома бандларининг пишиқ-пухта бўлишига эътибор қаратилди. Дейлик, бир оилага икки гектар узум боғи биркитилган. Режа бўйича у ана шу узумзордан ўн ёки йигирма тоннадан ҳосил олиши белгиланди. (Бунда узумзорларнинг тўлалиги ва сийраклиги, мавжуд шароит ҳисобга олинмади). Завод режа бўйича топширилган хом ашёнинг ҳар бир килосини соҳибкордан келишилган нархда сотиб оладиган бўлди. Ўтган йилги қийин шароитда ҳам узумдан анча баракали ҳосил олинди. Завод пудратчилардан бир килограмм узумни 220 сўмдан сотиб олди. Шартнома бўйича эса олинган умумий



даромаднинг 40 фоизини ойлик маош қилиб беришга келишилди.

Дейлик, ўша пудратчи боғбон яхши ишлаб, баракали ҳосил етиштирди. Режада белгиланганидан икки тоннадан ошириб ҳам ҳосил олди. (Бу энг ками. Бу йилги шароитда бундан ҳам кўп ҳосил олса бўлади). Режадан ташқари бўлган ҳосилни ҳам завод келишилган нархда сотиб олади. Даромадларнинг ҳаммаси жамланса пудратчи боғбон катта миқдорда фойда кўриши турган гап. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керак: техника хизмати кўрсатиш, узумзорларда ишлатиладиган шпалерлар, симбағазларни етказиб бериш, ўғит, гербицид ва бошқа зарур воситалар билан таъминлашни завод маъмурияти ўз зиммасига олган. Деҳқон зиммасида фақат бир вазифа қолди холос: у узумзорларга астойдил меҳр қўйиб ишлаши, токларни ўз вақтида очиши, қўмиши, хомток қилиши, парваришга зўр бериши ва ниҳоят етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб топшириши керак. Боғбонлар бу вазифани ғоятда меҳр ва қизиқиш билан бажаряптилар. Ишга бефарқлар, лоқайдлар йўқ энди. Бир вақтлари ҳар ер-ҳар ерда ўтлаб, экинзорларни пайҳон қилиб юрган мол-ҳолни умуман кўрмайсиз.

Биз хўжаликларда бўлиб, боғбонларнинг фикр-мулоҳазаларини уларнинг ўз оғизларидан эшитдик.

— Заводга қўшилиб кўп нарсани ютдик, — дейди Навоий номли ширкат хўжалиги раҳбари Аслбек Рустамов, — муҳими моддий жиҳатдан кўнглимиз тўқ бўлиб қолди. Ахир чўнтагимизда ҳемиримиз ҳам йўқ эди-да, қийналиб қолгандик. Бунинг бир қатор сабаблари бор эди. Мева боғлари эскириб, қаровсиз қолиб, ҳосилдорлик камайиб кетганди. Техникаларимиз эскириб, ишдан чиқиб қолганди. Янгисини сотиб олишга пулимиз йўқ эди. Мана энди косамиз оқарадиган бўлди.

Хўжалигимиз келгусида асосан узумчиликка ихтисослашади. Яхши, сарҳил мева берадиган боғларни сақлаб қоламиз. Асосан узумчиликка зўр берамиз. Илгари узум ҳосили пишиб етилгач уни топшириш азоб эди. Ким олади, қачон олиб кетади, деб ўтирардик ёки ялиниб-ёлбориб арзон-гаровга бўлса ҳам топшириб юборардик. Энди асло харидор қидириб юрмаймиз. Муҳими ўзимиз етиштираётган маҳсулотларнинг пировард натижасидан ўзимиз ҳам баҳраманд бўламиз-да! Чунки етиштирилган ҳосилимиз даладан тўғри заводга бориб, тайёр маҳсулотга айланади-да. Бир килограмм узумдан камида 700 грамм вино маҳсулоти тайёрланишини, бир литр винонинг ҳозирги кундаги баҳоси 6-7 мингга баҳоланаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, узум етиштириш кони фойда бўлиб қолди-ку бизнинг шароитимизда!

Биз пудратчи деҳқонларнинг узумзорларида бўлдик. Боғлар яшнаб турипти. Шу йил баҳорда экилган янги кўчатлар бир текис кўкарибди. Ҳар бир кўчат ёнига таёқча суқиб қўйилган. Билиниб туриши керак-да! Трактор қатор ораларига ишлов берганда зиён етказмасин! Дала айланиб, катта бир майдонга назар ташладик. Бу ерда ўтган йили 5 минг туп терак қаламчалари экилган экан. Яхши тутипти, кун сайин кўкка бўй чўзмоқда.

Агрофирма бўйича эса ўтган йили 195 минг туп терак қаламчалари экилган эди. Хўжалик кўчатхонасида бундан ташқари дуб дарахтининг кўчатлари ҳам ўстирилмоқда. Дуб дарахти ёғочи хом ашёси виночиликда ғоят зарур хом ашё ҳисобланади. Уни ҳозирча четдан тилла баҳосида сотиб олиб келишмоқда.

Хўжаликлардаги ўзгаришлар, янгиликларни ҳар қадамда учратиш мумкин.

— Энди "Янгиобод"га борамиз, — дейди ҳамроҳимиз.

Бироз юрдик, ажойиб манзаранинг устидан чиқдик. Чап томондаги бепоён пастликларга назар ташлаймиз. Бундан ўч-тўрт йил илгари ўнқир-чўнқир жойлар эди. Икки-уч йил ичида сурилиб, теп-текис қилиб қўйилибди. Айтишларига



қараганда бир вақтлари бу ерларда мевазор бўлган. Қаралмай қўйилган. Агрофирма таркибига ўтгач, ишга бошқача ёндошилди. Ҳосил бермайдиган, қариб қолган мевали дарахтлар илдиз-пилдизи билан қўпорилди. Янги ток ва мевали дарахт кўчатлари экишга киришилди. Ўтган йили ўша пайтдаги ҳисоб-китоб билан ерларни текислаш ва бошқа деҳқончилик ишлари учун икки хўжаликка 8 миллион сўм миқдорида пул ажратилди. Тепалик жойда узум ҳосили яхши ўсади, ширадор бўлади. Шуни ҳисобга олиб катта майдонларда янги токзорлар барпо этилди.

"Янгиобод"да шундай қилиб ўтган йилнинг ўзида ҳаммаси бўлиб 55 гектар ерга ток қаламчаси экилди. Ҳаммаси бўлиб 142 гектарга етди. Бу йил баҳорда эса 50 гектар майдонда янги токзор барпо этилди.

Умуман, ана шу икки хўжаликда ўтган йили қишлоқ хўжалиги ишлари учун 100 миллион сўм, агрофирма бўйича эса қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 450 миллион сўм пул ажратилди. Бутун баҳор, ёз, куз давомида ана шу маблағларни ўзлаштириш учун қизғин кураш олиб борилди.

"Янгиобод" ижара ва тадбиркорлар уюшмасида амалга оширилаётган янги ишларнинг кўлами кенг эди. Хўжаликнинг чоғроққина бошқарув идораси олдидаги кўргазма тахтасига назар ташлаймиз. "Халқ манфаати — ҳамма нарсадан устун" деган ёзувни ўқиймиз. Ўйланиб қоламиз. Нафсиламбирини айтганда 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида бу каби шиорлар, чиройли ва мазмунли сўзлар, даъватлар, чақириқлар, ўроқ ва болға ҳамкорлиги ҳақидаги қизил гаплар фақатгина қоғозда мавжуд эди. Эндиликда бундай шиор, бундай даъватлар амалда татбиқ этилаяпти. Ахир шунча вақтдан буён саноатни қишлоқ хўжалиги ўз измига олмоқчи бўлди-да! Қанчадан-қанча қарорлар чиқарилди, тадбирлар белгиланди. Лекин, ижобий ўзгаришлар бўлмади. Охир оқибатда эса қишлоқ хўжалиги инқирозга юз тутай деб қолди. Мана энди, мустақиллик шарофати, Президентимизнинг бир қатор фармонлари туфайли саноат қишлоқ хўжалигини ўз қўлига олабошлади. Бошқача қилиб айтганда қишлоқ хўжалигини саноатлаштиришга чинакамига киришилди. Шу ўринда Президентимизнинг "Биринчи навбатда саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келишимиз, маҳсулотни қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қишлоқ заминига жойлаштиришимиз керак", деб айтган гапларини таъкидлашимиз керак. Агрофирмада ҳозирнинг ўзидаёқ бу соҳада катта ишлар амалга оширилмоқда. Хўжаликларнинг ўз худудида, шундоққина узумзорларга яқин жойда вино пункти қуриш лойиҳалаштириляпти. Бу энг тўғри йўлдир. Шу йўл билангина қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни тўғри йўлга олиб чиқиш ва охир оқибатда бу тармоқнинг ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнашига эришиш мумкин. Завод бир йилда 30 минг тонна узумни қайта ишлаш қувватига эгадир.

— Келгусида ана шу хом ашё ўзимиздан чиқиши керак, — дейди агрофирма бош агрономи Ўринбой Тўрақулов, — шуни ҳисобга олиб, агрофирма бўйича умумий узумзорлар майдонини 1500 гектарга етказишга қарор қилдик. Айни пайтда узумзорлар 658 гектарга етди. Шундан 317 гектари ҳосил бермоқда. 1996 йилга бориб режа амалга ошади. Узумзорлар 1500 гектарга етади. Навига ҳам алоҳида эътибор беріляпти. Ана шу майдоннинг 20 фоизида хўраки навлар етиштирилса, қолган 80 фоиз майдонда винобоп узумлар ўстирилади. Булар орасида ноёб ҳисобланган "Мускат", "Кабарне", "Изобелла", "Алятка" навлари каттагина майдонни ташкил этади. Агар ҳар гектаридан камида 15 тоннадан ҳосил олинадиган бўлса, биз ялпи хосилни 30 минг тоннага етказиб, албатта, ўз эҳтиёжимизни қоплашимиз мумкин. Шу ҳисобга даромад ҳам кескин ортади. Ободончилик ишлари кўлами кенгайиб боради. Қисқа давр ичида Навоий номли хўжаликда ичимлик сув масаласи ҳал этилди. 4,5 километр масофага сув қувурлари тортиб келинди. "Янгиобод"да табиий газ келтириш учун бошланган ишлар ниҳоясига етказилади.

— Биз йиллар давомида ердан олаверганмиз, — дейди Ўринбой ака, — уни беаёв ишлатаверганмиз. Бироқ, унинг аҳволи нима кечяпти, деб унга қиё боқмадик. Аслида аянчли ҳолат юз бермоқда эди. Заводга қўшилгач, қисқа вақт ичида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун катта ишлар қилинди, захи қочирилди. Далаларнинг ирригация ва мелиорация холати яхшиланмоқда.

Биз ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Боғ ва токзорлардан ташқари сабзавот, картошка, етиштириш ҳам йўлга қўйилган. Чунки, завод эҳтиёжи учун керак-да, бу маҳсулотлар! Шунингдек, агрофирмада чорвачиликни ривожлантириш ҳам йўлга қўйиляпти. Ҳозирги пайтда 157 бош қорамол боқилмоқда. Шундан 52 боши соғин сигир. Ҳар бир сигирдан шу кеча-кундузда ўн литрдан сут соғиб олинаяпти. Бу аввалги йиллардагига қараганда икки баробар кўп демакдир. Чорак режаси ортиғи билан бажарилди. Келгусида моллар бош сони, айниқса, соғин сигирларни кўпайтирамиз. Каттагина майдонларда чорва озуқаси ўстириляпти.

Биз ким билан суҳбатлашмайлик, янги режалар, эришилаётган самарали натижалар, келгусидаги истиқболлар ҳақида самимий гапларни айтди. Шу кеча-кундузда дала ва боғлардаги кўтаринки кайфият ҳам буни тасдиқлаб турипти. Хўжаликда мева-чеванинг, узумнинг жамики турларидан, шунингдек, сабзавот, картошка, бошқа экинлардан мўл ҳосил олиш учун мустаҳкам замин яратилмоқда.

Дарҳақиқат, деҳқон, боғбоннинг кўнглини чоғ этсангиз, уни уй-рўзғор ташвишларидан ҳоли этиб қўйсангиз, у меҳнат қилиб сира ҳам чарчамайди. Лекин табиат табиат-да. У ҳамма вақт ҳам деҳқонни эркалатавермайди. Дейлик, бирдан табиий офат юз берди. Не-не умидлар, машаққатлар билан етиштирилаётган ҳосилга путур етди. Хўш, бундай ҳолда деҳқоннинг, боғбоннинг тирикчилиги нима бўлади. У меҳнат қилиб, эвазига даласидан, боғидан ҳеч нарса ололмай қолаверадими?

Фирма маъмурияти бунинг ҳам чора-тадбирини белгилаб қўйди. Завод бўйича бир йилда олинадиган соф фойданинг 10 фоизини суғурта фонди учун ажратиб қўйишга қарор қилинди. Бу катта маблағ.

Ҳаммаси бўлиб 1500 дан ортиқ одам ишлайди. Ана шу суғурта жамғармасининг бир қисми табиий офат етказиши мумкин бўлган зиённинг ўрнини қоплашга ишлатилади. Деҳқон бояги-бояги ойлигини олаверади. Меҳнатига сира куймайди.

Инсон меҳнатини қадрлаш, эъзозлашнинг бошқа йўллари ҳам қидириб топилмоқда. Эндиликда фирма ишчиларини тақдирлаш, мукофотлаш, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоялаш сингари омиллардан деҳқонлар, соҳибкорлар ҳам завод ишчилари билан баб-баравар фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ҳар йили Янги ТошМИнинг кардиология бўлими маъмурияти билан шартнома тузилади. Уларнинг ҳисобига маълум миқдорда пул ўтказилади. Ҳатто бирон беморни шошилинч равишда касалхонага етқизишнинг ҳам чораси кўриб қўйилади: бир-икки ўрин банд қилиб қўйилган.

Шунингдек, институт шифокорлари вақти-вақти билан фирмага, заводга, далага таклиф қилинади. Улар ишчи-хизматчиларни, деҳқонларни тиббий кўрикдан ўтказадилар. Лозим топилганларини даволайдилар. Хоҳлаган касалхоналарига етишлари учун кафолат берадилар, кўмаклашадилар.

Хуллас, фирмадаги меҳнат кишисини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш бошқарув фаолиятининг туб моҳиятини белгилайди.

Фирмада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар: мева-чева, сабзавот, гўшт, сутни арзон нархда ва сифатли, қандай бўлса шундайлигича халққа, энг биринчи навбатда завод ишчи-хизматчиларига етказиб бериш ғоят муҳим вазифадир. Бу соҳада ҳам зарур тадбирлар кўрилган. Янгийўл шаҳрида фирма магазини қурилиб ишга туширилди. Бу ерда заводда ишлаб чиқарилаётган жамики маҳсулотлар, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам сотилмоқда. Бундан ташқари вилоятимизнинг турли туман ва шаҳарларида агрофирманинг 12 та магазини ишлайди.

Мазкур узумчилик-виночилик деҳқончилик фирмасида деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш йўлида бой тажриба тўпланганлиги, ишчи-деҳқон амалий ҳамкорлиги яхши натижалар бераётганлигининг гувоҳи бўлдик.





Бу суратларни тасвирчи Р. Галиев "Янгийўл" агрофирмасидан олган.

**Саҳифани "Тошкент ҳақиқати" махсус мухбири Носир РИХСИЕВ тайёрлаган**

